XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 13 - mart VI-52-36-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Ғаллаорол туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 10 феврал куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларини сўзсиз таъминлаш, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келган ҳамда кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, Жиззах вилояти Кенгашининг 2023 йил 21 февралдаги VI-42-24-3-0-К/23-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қарор қилади:

1. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2023 йил 21 февралдаги “Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш тўғрисида”ги VI-42-24-3-0-К/23-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га вилоят маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиб берилган маблағлари ҳисобидан аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган, аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган инфратузилма обектларида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 500,0 (беш юз) млн. сўм маблағни туман ободонлаштириш бошқармасига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (Х.Мамарахимов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ғазначилик бўлинмаси (Ў.Суяров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

5. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га вилоят маҳаллий бюджетидан олинган ссуда маблағини жорий йилнинг 2- ва 3-чорак

якуни билан шаклланадиган даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан вилоят маҳаллий бюджетига қайтариш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**